

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 195797 на приобретение Сариосиё тумандаги ахолини руйхатга олишда хоким ёрдамсилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясатиш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 29.11.2022

Время рассмотрения 29.11.2022 11:34

Закупочная комиссия Сариосиё туман хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KALANDAROV SHUXRAT ISKANDAROVICH	Хокимнинг биринчи уринбосари	Хокимият
Секретарь комиссии	SHERALIYEV SUXROB RUSTAMOVICH	Ижро назорат бошлиги	Хокимият
Член комиссии	SAMATOVA GULNORA AXMATOVNA	Хисобчи	Уп Сурхандарё
Член комиссии	BERDIYEV MUZAFAR DJUMAYEVICH	Хужалик мудири	Уп Сурхандарё
Член комиссии	RAXMONBERDIYEV SAXOMIDDIN SHUKRULLO O'G'LI	мутахасис	Хокимият
Член комиссии	KOKULOV ABDURASHIT SAFAROVICH	Девонхона мудири	УП Сурхандарё

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.11.2022 года № лота 195797.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 30.00 / Весовой коэф. ценовой части: 70.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по установке баннера
Подробное описание	Сариосиё тумандаги ахолини руйхатга олишда хоким ёрдамсилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясатиш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	17 500 000.00
Стартовая сумма	17 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 иш стажи

Тип: Числовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 3 до 5 лет

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	30	4	20	Системная		
"SARIOSIYO BOSMAXONA" MCHJ	30	7	30	Системная		

Критерий №2 Охирги 2йилдаги молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	30	2020 йил 125611000 сум ва 2021 йил 268133700 сум билан	30	Экспертная		
"SARIOSIYO BOSMAXONA" MCHJ	30	2020 йилда 316 416 000 сўм 2021 йилда 403 113 300 сўм даромадга эришилган	15	Экспертная		

Критерий №3 Коррупцияга карши талабларга амал килиш

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	30	Коррупцияга йул куйилмайди	30	Экспертная		
"SARIOSIYO BOSMAXONA" MCHJ	30	Ҳеч қандай коррупцион ҳолатларга йул қуйилмайди	15	Экспертная		

Критерий №4 Шу Соха буйича иш тажрибаси ва ускуналарининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	30	Замонавий ускуналар мавжуд	30	Экспертная		
"SARIOSIYO BOSMAXONA"	30	Барча зарурий	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНҲ		асбоб-ускуналар ва хом-ашё етарли				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	17 500 000.00	17 400 000.00 UZS	17 400 000.00	00.00	17 400 000.00	23.11.2022 08:56:38	70
"SARIOSIYO BOSMAXONA" МСНҲ	17 500 000.00	17 500 000.00 UZS	17 500 000.00	00.00	17 500 000.00	28.11.2022 10:29:27	69.6

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP	27.5001	70	97.5001
"SARIOSIYO BOSMAXONA" МСНҲ	17.4999	69.6	87.0999

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 195797 от 29.11.2022 года на приобретение Сариосиё тумандаги ахолини руйхатга олишда хоким ёрдамсилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясатиш ишлари определила победителем:

ООО INNOVATION-SERVIS-GROUP
305684166

и резервный исполнитель: "SARIOSIYO BOSMAXONA" МСНҲ (200494354)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KALANDAROV SHUXRAT ISKANDAROVICH	Согласен	
Член комиссии	SAMATOVA GULNORA AXMATOVNA	Согласен	
Член комиссии	BERDIYEV MUZAFAR DJUMAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAXMONBERDIYEV SAXOMIDDIN SHUKRULLO O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KOKULOV ABDURASHIT SAFAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"02" декабр 2022 йил

Раис:
Комиссия аъзолари:

Буюртмачининг номи:

Буюртмачининг шахсий ҳисобварағи:

Буюртмачининг юридик манзили:

Сариосиё туман ҳокимлиги танлов комиссиясининг йиғилиш

Б А Ё Н И № 65

Ш.Каландаров
С.Шералиев
М.Бердиев
Г.Саматова
А.Кокилов.
С.Рахмонбердиев.



Сариосиё туман

Ҳокимнинг биринчи муовини
Ижро назорат бошлиги
Ҳужалик мудир
Ҳисобчи
Девонхона мудир
Етакчи мутахасис

Сариосиё туман ҳокимлиги

Шхв:-100022860222177013990018001

Сариосиё тумани А.Каххор кучаси 1-уй

Кун тартибдаги масала: Сариосиё тумандаги аҳолини рўйхатга олишда ҳоким ёрдамчилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясаатиш ишларини бажариш учун корхоналарни танлаб олиш.

Сариосиё тумандаги аҳолини рўйхатга олишда ҳоким ёрдамчилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясаатиш ишларини бажариш учун корхоналарни танлаб олиш мақсадида ички танлов ўтказиш эшитилди: Ушбу масала бўйича туман ҳокимининг биринчи муовини Ш.Каландаров суз олди. У уз сузида Сариосиё тумандаги аҳолини рўйхатга олишда ҳоким ёрдамчилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясаатиш ишларини бажариш учун Товар хом ашё биржасининг etender.uzex.uzсайтида №22110012195797-сон лот билан эълонга қўйилган бўлиб ушбу эълон бўйича Бажарувчи пудратчи корхоналардан келиб тушган таклифлар асосида 29.11.2022 йил электрон равишда Баённомада энг яхши таклифни тақдим этган "INNOVATION-SERVIS-GROUP" МЧЖ голиб деб топилди Давлат харидлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ икки иш қуни жамоатчилик муҳокомага жойлаштирилган ва шу муддат ичида бажарувчи корхона ёки бошқалар томонида этироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли "INNOVATION-SERVIS-GROUP" МЧЖ билан шартномалар тузилиши зарурлигини таъкидлади ва йиғилиш катношчилари ўзаро келишиб қўйидагича

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Сариосиё тумандаги аҳолини рўйхатга олишда ҳоким ёрдамчилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар ясаатиш ишларини бажарувчи "INNOVATION-SERVIS-GROUP" МЧЖ билан шартнома тузилиб туловлар амалга оширилсин. Мазкур ишларни бажаришга амалий ёрдам бериш А.Ҳудойқулов зиммасига юклатилсин.

Раис:

Аъзолари:

Ш.Каландаров
С.Шералиев
М.Бердиев
Г.Самадова
А.Кокилов.
С.Рахмонбердиев.

Ҳокимнинг биринчи муовини
Ижро назорат бошлиги
Ҳужалик мудир
Ҳисобчи
Девонхона мудир
Етакчи мутахасис

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №12

«2» 12 2022 йил

Сариосиё тумани.

“INNOVATION-SERVIS-GROUP” МЧЖ бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари С.Рахмонова Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Сариосиё туман Хокимият, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари А.Хужакулов Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган Туманда утказиладиган тадбирларни акс эттириш учун баннерлар яратиш ва ўрнатиш ишларини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш хажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

№	Иш (хизмат)лар номи	Улчов бирлиги	Мик-дори	Нархи	Умумий суммаси
1	Сариосиё тумандаги аҳолини рўйхатга олишда ҳоким ёрдамчилари учун бланкалар тайёрлаш ва баннерлар яратиш ишлари	хизмат	1	17400000	17400000
	Жами				17400000

2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси 17400000 (Ун етти миллион тўрт юз минг) сумни ташкил қилади.

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча қилишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

3. Тулов шартлари

3.1 «Буюртмачи» шартнома умумий суммасининг 30%и миқдорда ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан кейин 5 банк кўнида «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 Тулик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далалатномаси (ҳисоб фактура) асосида 3 банк кўнида қолган 70% тулов «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига утқазиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тулик бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига утқазилгандан сўнг 10 банк иш кўнида шартномада курсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада курсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тулик бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.
- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.
- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;
- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.
- Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик ўтказиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш хажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан 6 ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали ҳал қилинади.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

7.3. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат бера

8. Қушимчалар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қушимчалар қонуний қўчига эга бўлади. Ўзгариш ва қушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар , сув тошқини , ёнгин, ер кимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган (бюджет маблағлари ҳисобидан тузилганда ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан) кундан бошлаб қучга қиради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг қучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

НОМИ "INNOVATION-SERVIS-GROUP" МЧ

МАНЗИЛ Сариосиё тумани

Х\Р: 20208000400906579001

ИНН 305684166 ОКОНХ

АТБ ККБ Тошкент бош оф



РАХБАР С. Раҳмонова
(имзо) (ф.и.о.)

«Буюртмачи»

НОМИ: Сариосиё тумани Ҳокимияти

МАНЗИЛ Сариосиё тумани А.Қаҳҳор қучаси 1-уй
Х.В

100022860222177013990018001
ИНН 200494630 ОКОНХ 97600 В\К: 00014

ЎзРесп. Молия вазирлиги Ғазначилиги ИНН:
201122919



Тошкент шаҳар Марказий банки ХҚКМ

х/р: 23402000300100001010

РАХБАР А. Ҳужақулов
(имзо) (ф.и.о.)

Юрист визаси: Мен Сариосиё ҳокимияти нинг юристи, ушбу шартнома амалдаги

Ўзбекистон Республикаси Ғуқаролик Кодекси, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос қелишлигини аниқладим:

«02» 12 / 2022 йили / М. Шодмуродов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"INNOVATION-SERVIS-GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning -- tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shaxsi ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"INNOVATION-SERVIS-GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.08.2018

626821

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305664166

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Surxandaryo viloyati, Sariosiyo tumani, Sariosiyo, Marvarid 9 uy,

Guvohnoma:

Surxandaryo viloyati, Sariosiyo tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



[Handwritten signature]



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SARIOSIYO TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Sariosiyo tumani, A.Qahhor ko‘chasi 1-uy, 191001, tel.: 76-48-7-64-62, faks: 76-48-7-66-66, sariosiyo.t@exat.uz

2022 - yil 9 - noyabr

184-8-116-F/22

Sariosiyo tuman hokimligi

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksining 126-moddasiga asosan tuman mahalliy budjetining 2022-yil 3-chorak yakuni bo‘yicha daromadlar rejasining oshirib bajarilgan qismi hisobidan, Xalq deputatlari Sariosiyo tuman Kengashining 2022-yil 07-noyabrdagi VI-47-145-8-116-K/22-sonli qarori ijrosini ta‘minlash maqsadida:

1. Tuman mahalliy budjetining 2022-yil 3-chorak yakuni bo‘yicha daromadlar rejasining oshirib bajarilgan qismi hisobidan quyidagi xarajatlarni amalga oshirishga;

- Tuman hokimligiga:

- Tumandagi “Yoshlar daftari”ga kiritilgan yoshlarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash Jamg‘armasiga tuman mahalliy budjetining daromadlar rejasining oshirib bajarilgan mablag‘lari hisobidan maxsus hisob raqamiga o‘tkazish uchun (15%) 297 000,0 ming so‘m;

- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 22-avgustdagi “Budget ma‘lumotlarining ochiqligini va budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3917-sonli qarori ijrosini ta‘minlash maqsadida “Ochiq-budget” (Open budget,uz) portaliga tushadigan jamoatchilik fikrini inobatga olib sarflash sharti bilan, Sariosiyo tuman hokimligida tashkil etilgan tashabbus jamg‘armasi maxsus hisob raqamiga o‘tkazish uchun (30%) 593 000,0 ming so‘m;

- Tumandagi “Ayollar daftari”ga kiritilgan ayollarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash Jamg‘armasiga tuman mahalliy budjetining daromadlar rejasining oshirib bajarilgan mablag‘lari hisobidan maxsus hisob raqamiga o‘tkazish uchun (15%) 297 000,0 ming so‘m;

- O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori 24.07.2021-yildagi 459-son qaroriga asosan ijtimoiy himoyaga muhtoj aholining ipoteka kreditlari bo‘yicha

qarzdorliklarni so'ndirish jamg'armasiga (5%) 99 000,0 ming so'm o'tkazish uchun;

- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 4-oktabrdagi "Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar ustidan jamoatchilik nazorati samaradorligini shuningdek, fuqarolarning demokratik o'zgarishdagi faolligini oshirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4473-sonli qarori hamda viloyat hokimligining 2021-yil 28-aprel kunidagi 02-01/159-sonli yig'ilish bayoni ijrosini ta'minlash maqsadida Ko'zi o'jizlar Sariosiyo tuman bo'limi xodimlarining 2022-yil 3-choragi davomida to'lanishi lozim bo'lgan ish haqi va unga tenglashtirilgan to'lovlarini to'lab berish uchun 15 300,0 ming so'm;

- O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 21-noyabrdagi 930-son qaroriga asosan tuman hokimligi binosini qo'riqlash xizmatiga o'tkazish uchun 50 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Qalandarovning 2022-yil 18-oktabrdagi 02/27-552-sonli Bildirgisiga asosan xizmat avtomashinalarini ta'mirlash xarajatlari uchun 25 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimining 2022-yil 30-sentabrdagi 152-8-116-F/22-sonli farmoyishiga asosan 1-oktabr O'qituvchi va murabbiylar bayramiga sovg'a olishganlar olish uchun 60 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimining o'rinbosari A.Qurbonovning 2022-yil 21-oktabrdagi Bildirgisiga asosan tumandagi aholini ro'yxatga olishda hokim yordamchilari uchun blankalar tayyorlatish va bannerlar yasatish xarajatlari uchun 17 500,0 ming so'm;

- Tuman hokimi o'rinbosari D.Toshmatovanning 2022-yil 17-oktabrdagi 7-59-sonli xatiga asosan Hokim kubogi, 8-mart, Navro'z bayrami, Kitobxonlik tadbirlari uchun va Yoshlar balansi blankalari, Ayollar balansi blankalari hamda bannerlar tayyorlatish va o'rnatish uchun 27 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Qalandarovning 2022-yil 18-oktabrdagi 02/27-552-sonli Bildirgisiga asosan Yangi O'zbekiston massivga kameralar sotib olish va o'rnatish xarajatlari uchun 21 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimligi Tashkiliy kadrlar guruhi rahbarining 2022-yil 21-oktabrdagi Bildirgisiga asosan 2021-yilda o'tkazilgan Prezident sayloviga tayyorlangan Foto panolar uchun 25 200,0 ming so'm;

- Tuman hokimligi Tashkiliy kadrlar guruhi rahbarining 2022-yil 21-oktabrdagi Bildirgisiga asosan Prezident Saylovi uchastka xodimlari uchun o'tkazilgan o'quv seminari vaqtida seminar qatnashchilarini ovqatlantirish xarajatlari uchun 40 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimligi tomonidan 2022-yil 17-oktabrda o'tkazilgan 09-01-/250-sonli yig'ilish bayonnomasiga asosan tuman hokimligi xodimlariga qo'shimcha rag'batlantirish xarajatlari uchun 32 500,0 ming so'm;

- O'zbekiston Respublikasi Nogironligi bo'lgan shaxslar bo'yicha idoralararo kengashining 2022-yil 7-mart kunidagi 25-01-07/331-sonli xatiga asosan Nogironlar jamiyati Sariosiyo tuman bo'limining joriy yilning yanvar oyidan yil yakuniga qadar bo'lgan ish haqi va unga tenglashtirilgan to'lovlarini to'lab berish uchun 22 800,0 ming so'm;

• **Tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga:**

- Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi boshlig'i Z.Muhammadiyevning 2022-yil 21-oktabrdagi 01-732-sonli xatiga asosan tumandagi og'ir hududlarga joylashgan "Diydor", "Turmushobod" "Xonjiza", "Hulkar", "Bog'iston", "Buyrapush", "Niholzor", "Do'stlik", "Shohqishloq", "Anorzor", "Kelajaksari", "Mehrshafqat", "Sarijar", "Bog'ishirin", "Shohjahon", "A.Navoiy", "S.She'roziy" va "Hamkorlik" mahallalarining ichki yo'llarini toshlash bilan bog'liq yoqilg'i (YoMM) xarajatlar uchun 80 000,0 ming so'm;

- Tuman hokimining tuman Majburiy Ijro byurosi boshlig'iga yuborgan 01-36/660-sonli javob xatiga asosan tumanda joylashgan ko'p qavatli uylar tomini yopish uchun tunuka va qurilish materiallari sotib olish xarajati uchun 100 000,0 ming so'm;

- Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi boshlig'i Z.Muhammadiyevning 2022-yil 21-oktabrdagi 01-731-sonli xatiga asosan tumandagi Sangardak mahallasidagi Amfiteatrni joriy ta'mirlash xarajatlari uchun 50 000,0 ming so'm;

- Sariosiyo tuman suv ta'minoti bo'limi boshlig'ining 2022-yil 18-oktabrdagi 159-sonli Aloqa xatiga asosan tumandagi "Diydor" va "M.Ulug'bek" mahallalarida joylashgan suv quduqlarini ta'mirlash va tozalash uchun 20 000,0 ming so'm;

• **Tuman Madaniyat bo'limiga:**

- Sariosiyo tuman Madaniyat bo'limi boshlig'i O.O'rinovning 2022-yil 17-oktabrdagi 92-sonli xatiga asosan Respublika va tuman madaniyat xodimlari tadbiri uchun dekaratsiyalar tayyorlash hamda yasatish xarajatlari uchun 31 000,0 ming so'm;

• **Tuman SE va JSBga:**

- Sariosiyo tuman SEO va JS bo'limi boshlig'i G'.Abdullayevning Pandemiya tadbirlari vaqtida sarflangan xor moddasi va 40 ming dona probirkalar sotib olish uchun 50 000,0 ming so'm;

• **Xalq deputatlari tuman Kengashiga:**

- Xalq deputatlari Sariosiyo tuman Kengashining 2022-yil 11-yanvardagi VI-35-3-8-116-K/22-sonli qarori ijrosining ta'minlash uchun Xalq deputatlari Sariosiyo tuman Kengashi kotibiyati xodimlarini rag'batlantirish uchun qisman to'lov uchun 12 200,0 ming so'm jami 1 965 500,0 ming so'm mablag' ajratilishiga ruxsat etilsin.


2. Tuman Moliya bo'limi (E.Hasanov)ga 2022-yil 3-chorak yakuni bo'yicha daromadlar rejasining oshirib bajarilgan qismi hisobidan sarf xarajatlar rejasiga belgilangan tartibda o'zgartirish kiritish vazifasi yuklatilsin.

3. Tuman G'aznachilik bo'linmasi (X.Eshqobilov)ga ajratilgan mablag'larni belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirishni ta'minlash topshirilsin.

4. Tuman hokimligi bosh hisobchisi (A.Xudoyqulov) ajratilgan mablag'larni qonunchilikda belgilangan tartibda sarflanishini nazorat qilsin.

5. Ushbu farmoyishni bajarilishini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Qalandarov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



A.P.Xujaqulov